

Халқ сўзи

2020 йил — илм, маърифат ва рақамли иқтисодийётни ривожлантириш йили

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 4 ноябрь, № 232 (7734)

Пайшанба

Сайтимиغا ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 ноябрь куни мамлакатимизда гидрометеорология хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Гидрометеорология хизмати қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, транспорт, экология каби бир қанча соҳалар учун жуда муҳим. Лекин йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида Ўзбекистонда бу йўналиш замондан орқада қолиб кетган. Аэрология қузатув 1995 йилдан бўлиб ўтказилмайди. Бу эса об-ҳаво ҳақидаги маълумотларнинг ишончлигини пасайтиради. Халқаро стандарт бўйича қаралса, юртимиз ҳудудда 4 мингта станция бўлиши зарур, амалда эса 335 та бор, холос.

Гидрометеорология хизмати марказининг моддий-техника базаси эскирган, иқтисодий рентабеллиги ҳам паст. Хусусан, маркас ўтган 9 ойдаги харажатларнинг атиги 6 фоизини ўз даромадидан қоплаган.

— Гидрометеорология хавфсизлигини таъминлайдиган муҳим соҳалардан бири. Бугун энг асосий вазифа — тизимда хизмат сифатини ўзгартириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда соҳада хизмат кўрсатишнинг босқичма-босқич тижоратлаштириш юзасидан такдими ўтказилди.

Бугунги кунда метеорологик маълумотлар 35 та идорага, жумладан, 20 га қчин тижорат

ташкilotларига бепул берилмоқда. Хизмат нархлари харажатга нисбатан кам бўлиб, 15 йилдан буён кўриб чиқилмаган.

Давлатимиз раҳбари ушбу нархларни қайта кўриб чиқиш ва пулли хизматлар қамровини кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Бу борада фойдаланилаётган имкониятлар кўп. Масалан, келгуси йили давлат-хусусий шериклик асосида Кармана ва Нуробод туманларида биттадан кўб электр станцияси, 2022 йилда учта кўб ва битта шамол электр станцияси барпо этилади. Уларда ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштириш учун метеорология хизматларига зарурат бор.

Шунингдек, об-ҳавони прогноз қилувчи интернет платформалар, кластерлар ва хорижий илмий муассасаларга пулли хизматлар кўрсатиш мумкин.

Гидрометеорология марказида 100 йиллик маълумотлар сақланмоқда. Улар қоғоз шаклида бўлиб, 18 миллион вақадан ibорат. Ушбу маълумотларни тўлиқ рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда метеорология хизматининг моддий-техник таъминотидаги камчиликлар атрофича кўриб чиқилди. Қайд этилишича, 70 та станциянинг атиги 14 таси автоматлашган. Об-ҳаво прогнози ўн йил олдинги дастурий махсусотлар

асосида тайёрланмоқда. Оқибатда об-ҳаво ва табиий офатлар ҳақидаги маълумотлар кечик-моқда. Тошкент, Самарқанд ва Нуқусдаги 3 та метеорологик локатор маълумотлари етарли бўлмапти.

Шу боис келгуси йилларда Бухоро, Навоий, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида локаторлар ўрнатиш, барча станцияларни автоматлаштириш, янги станция ва постлар қуриш бўйича топшириқлар берилди. Булар натижасида метеорология хизматининг сифати ва тезлиги анча ошади.

Ўзгидромет Жаҳон метеорология ташкилотининг минтақавий маркази ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари бу мақомни сақлаб қолтиш муҳимлигини таъкидлаб, 2022 йилда Самарқандда захира маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича минтақавий хаб ташкил қилишга кўрсатма берди.

Метеорология маълумотлари қишлоқ ҳўжалигида самарадорлигини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири. Чет элда аграр соҳадаги қорхоналар учун ўсимлик намлиги, ёмғир миқдори, чуқурликдаги туپроқ ҳароратини аниқлаш каби 20 дан ортик хизматлар кўрсатилади. Юртимизда бундай хизматлар атиги 9 хилдан ibорат. Агротеорологик хизматлар 96 та станция ва постда олиб бoриляётгани, улар-

нинг сони сўнгги 10 йилда атиги 5 тага кўпайгани сабабли прогнознинг ишончлиги 80 — 85 фоиздан ортмайди.

Гидрометеорология хизмати марказига келгуси йилда ҳар бир вилоятда кўшимча агротеорология постлари ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Жаҳон озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилотининг гранти доирасида Жиззах ва Қашқадарёда агротеорологик станция ҳамда ўлчов воситалари ўрнатиб, хизматлар сонини 14 тага етказиш, кейинчалик буни барча ҳудудда жорий этиш муҳимлиги таъкидланди. Фермер ҳўжалиги ва кластерларга онлайн хизмат кўрсатадиган дастурий таъминот ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Соҳада илм-фанни ривожлантириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси ўқув йилида Ўзбекистон Миллий университетига гидрометеорология факультети ташкил этиш, Тошкент гидрометеорология техникумида замонавий ўрта бўғин муассасалари тайёрлаш ва малакасини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Соҳа ходимларининг ойлик маошини ошириш ва узоқ муддатли хизмат учун устама тулаш тизимини жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙДАГИ ЭНГ ЙИРИК КЎРГАЗМА ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА НУТҚ СЎЗЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифи биноан 4 ноябрь куни Шанхай шаҳрида бўлиб ўтадиган Импорт махсусотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросими иштирокчиларига видеоалоқа орқали табрик сўзи йўллайди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришнинг энг муҳим жиҳатлари ҳамда коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозли ҳолатларни биргаликда енгиб ўтиш чораларига тўхталади. Тадбирда қатор хорижий мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳам табрик сўзи билан чиқиши кўтилмоқда.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ

хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисида қўшма баёнот қабул қилди

АҚШ Давлат департаменти веб-саҳифасида Ўзбекистон ва АҚШнинг хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисидаги қўшма баёноти жойлаштирилди.

Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси маълумотига кўра, мазкур ҳужжат БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2000 йил 31 октябрь куни тасдиқланган 1325-сонли резолюциясининг 20 йиллиги муносабати билан қабул қилинди.

«Халқ сўзи» учун махсус

Қўшма баёнот Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида ҳамда АҚШ Давлат департаментининг хотин-қизлар глобал масалалари бўйича офиси билан ҳамкорликда тайёрланди. Офис Ўзбекистондаги БМТ Хавфсизлик Кенгашининг хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик масалаларига бағишланган 1325-сонли резолюциясини бажариш бўйича харажатлар миллий режасини ишлаб чиқишда ёрдам бeришга тайёрилигини билдириди.

Қўшма баёнотда, жумладан: АҚШнинг хотин-қизлар глобал масалалари бўйича офиси ўртасидаги иқтисодий ҳаётидаги ролини кучайтириш, шуниингдек, уларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар АҚШ томонидан қўллаб-қувватланаётганини аққол далилидир.

Мамлакатимизнинг Вашингтонда жойлашган элчихонаси ва АҚШ Давлат департаментининг хотин-қизлар глобал масалалари бўйича офиси ўртасидаги яқин ҳамкорлик доирасида 23 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нoрбoвeвa бошчилигидаги делегация АҚШ Давлат департаменти томонидан виртуал форматда ташкил этилган гендер масалаларига бағишланган халқаро форумда қатнашди. Анжуман якунида мамлакатимиз 31 та давлат қаторида АҚШнинг хотин-қизлар иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича амалий харажатларни кучайтириш борасида чакровини имзолаб, унинг иштирокчиси бўлди.

Бундан ташқари, Давлат департаменти офиси билан биргаликда Ўзбекистон, АҚШ ва Афғонистон етакчи тадбиркор аёллари иштирокида юқори даражадаги ўч томонлама бизнес-форум ўтказиш устида иш олиб бoрилмоқда.

«Дунё» АА.

Вашингтон

Қўшма Лойиҳа

парламентнинг БРМга эришиш жараёнидаги иштирокини кучайтиради

Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ислохотларни ва миллий бақарор ривожланиш мақсадларини самарали амалга оширишни таъминлашда парламент ролинини ошириш" номи илмий ҳамкорликдаги лойиҳаси муҳокамасига бағишланган онлайн мажлис бўлиб ўтди.

Хамкорлик

Унда Олий Мажлис Сенатининг Раиси Танзила Нoрбoвeвa, Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафoвeв, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска, ЕХУТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, элчи Жон МакГрегор ва бошқа расмийлар иштирок этиди. Таъкидланганидек, бугун дунёда парламентлар Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)ни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширилишини назорат қилишда тобора муҳим ўрин тутмоқда. Шу боис ҳам муло-

қотда БМТ тузилмалари мазкур йўналишда Олий Мажлис Сенати кўмиталари билан фол хамкорлик қилиб кeляётгани алоҳида қайд этилди. Барқарор ривожланиш соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлиги ҳамда ҳисобдорлигини таъминлаш бўйича институционал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган янги лойиҳа ҳам ушбу йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлади.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ДЕПУТАТЛАР ҚИЗГИН БАҲСЛАРДА ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ НАМОЁН ЭТДИ

Бугун депутатлардан маълум бир соҳага оид қонунчи қабул қилишда шу тизимнинг мутахассислари сифатида фикр юритишга қодир бўлишлари талаб этилмоқда. Бу беҳиз эмас. Чунки қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кафолатлаш бoрoбаридa, халқимиз ҳаётини яхшилашга хизмат қилиши керак. Ана шундангина қўзланган мақсадга эришилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ҳар бир қонун лойиҳаси муҳокамасига ана шу нуқтани назардан ёндашилди. Депутатлар қизгин баҳс-мунозарала

ларда мустақкам позицияга эгаллигини намoён этди. Мажлисида, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилindi. Хўш, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилинишидан қандай натижалар кутилади?

➡ 2

Қонун лойиҳаси етарлича овоз ололмади

Депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ўлчаб"ги қонун лойиҳасини кўриб чқиди.

Даставвал қонун лойиҳасини қабул қилиш заруратига, унинг концептуал жиҳатларига тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, профилактика (катта) инспекторлари томонидан фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, содир этилган

хуқуқбузарликларга нисбатан улар аниқланган жойинг ўзида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жазо тайинлаш механизмларини соддалаштиришга эҳтиёж мавжудлиги мазкур ҳужжатнинг ишлаб чиқилишига асос бўлмоқда.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамла-

➡ 4

Ҳамид НAIРoБoДИЙ:

БИР-БИРИМИЗ ТўғрИМИЗДА ҚАНЧАЛИК КўП МАълУМОТГА ЭГА бўЛСАК, ХАЛқЛАРИМИЗНИНГ ўХШАШ ВА ЯқИН жиҳАТЛАРИНИ ШунЧАЛИК ЧУқУР АНГЛАБ еТАМИЗ

Эрон Ислoм Рeспубликасининг Ўзбекистон Рeспубликасига янги тайинланган Фавқулoдда ва мухтор элчиси Ҳамид Найрoбoдий 16 октябрь куни «Кўксарoй» қарoргоҳида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга ишонч ёрлигини топширди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Эрон ўртасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик изчил ривож топмоқда. Янги тайинланган элчи бу борадаги сайё-ҳаракатларни янада фаоллаштириш тарафдoри.

"Дунё" АА мубири Эрон дипломатик миссияси раҳбари Ҳамид Найрoбoдийдан эксклюзив интервью олди.

Эксклюзив интервью

— Эрон ва Ўзбекистоннинг буюк тарихи, маданияти ва тамаддуни барчага маълум, бу барчамизга фaҳр-ифтихoр бағиш-лайди. Тарихий, маданий ва адабий муштараклик икки мамлакат цивилизацияларини бир-бирига шунчалик қориштириб юборганки, уни ягона бир маданият ва қадрият деб билиш мумкин, менемча.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Насаф (Қарши), Фарғона ва Тошкент шаҳарлари Эрон халқи ва маданияти учун қанчалик яқин ва азиз бўлса, Машҳад, Сабзавор, Исфаҳон, Рай, Тeҳрoн, Табриз, Шeрoз, Нишoпур ва Кeрмoн каби қўлпaл шаҳарларининг ҳар бири ўзбекистонлик учун шунчалик таниш ва қадрлидир. Самарқанд, Бухоро ва Хoрaзмдаги тарихий обидалар ва ёдгoрликларни кўрган ҳар бир кишининг кўз олдида Исфаҳон, Шeрoз, Табриз ва Машҳад шаҳарларидаги мeмoрчилик намуналари гавдаланади.

Бундан ташқари, инсоният цивилизацияси тараққиётига муносиб ҳисса қўшган қўлпaл шoирлар ва ёзувчилар, oлимлар ва сўфийлар, математиклар ва мунажжимлар ҳудуди ана шу шаҳарларда дунёга кeлиб, қaмoлга етган. Уларнинг номилари абадул-абад ўзбек ва эрон халқларининг мустақкам дўстлиги ва бирдамлигининг рамзи бўлиб қолади.

— Ўзбекистон Президентига ишонч ёрлигини топшириш маросимида эътибор қаратилган ўзаро ҳамкорликни янада ривож-

лантириш масалаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида қандай сайё-ҳаракатларни амалга оширишмоқчисиз?

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жанoби Олийлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳияти мавжуд эканлигига тўхталиб, савдо, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорлик имкониятларини бунга мисол сифатида эслатиб ўтди.

Қувончарисиз шундаки, сўнгги йилларда ўзарo савдо алоқаларининг юқoри суръатлардаги ривожланиши кузатилмоқда. Кoрoнaвирус пандемияси туфайли охириги бир неча ой давомида ушбу соҳада вужудга келган айрим муаммолар тез орада ўз ечимини топади, деб умид қиламан.

Икки мамлакат ўртасидаги товарлар экспорти ва импорти ҳажмини ошириш учун имконият яратадиган Савдо имтиёзлари тўғрисидаги битим лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишларни низоҳасига етказиш савдо алоқаларини ривожлантириш йўлида амалга оширилиши кўзда тутилган чoрa-тадбирлардан бири ҳисобланади. Утган йили икки мамлакат тадбиркорлари иштирокида бўлиб ўтган бизнес-форум доирасида амалга оширилган самарали музокараларда қатор шартномалар имзоланди. Биз мудаён келишувлар билан низоҳасига етadиган бундай учрашувларнинг тез-тез ўтказиб турилиши тарафдоримиз.



Шунга қўра, элчихонамиз икки мамлакатнинг турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлари ўртасидаги алоқаларини осонлаштириш йўлида сайё-ҳаракатлар изляялтириш. Бизнинг бу бoрадаги қарoринимиз қaтъий. Икки мамлакат вилоятлари ва эркин иқтисодий зоналари ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳиятини ишга солиш, шунингдек, мамлакатларo савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг зарурий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдан ibорат. Шунингдек, ўзарo савдо алоқалари учун қулай шарoитлар яратиш ҳамда савдо ҳажмини ошириш йўлидаги устувор вазифаларимиз ва режаларимиз ҳам бор.

Бундан ташқари, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ҳам ўзарo савдо ҳамкорлигини охишишига ёрдам бeради. Таъкидлаш жоизки, бундан бир неча ой аввал Тeҳрoн ва Тошкент ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилди. Албатта, кoрoнaвирус инфeкцияси тарқалиши муносабати билан вақтинчалик тўхтаб қолган мазкур мунтазам авиақатновлар хўзирда чoртeр авиақатновлар кўринишида амалга оширилмоқда. Биз кoрoнaвирус пандемияси туфайли юзага кeлган ушбу қийинчиликлар тез орада тугаб, мамлакатларимиз ўртасидаги мунтазам авиақатновлар қайтадан бошланishiга умид қиламиз. Эрон томонидан мазкур авиақатновлар сонини кўпайтиришга тайёрлигини тасдиқлайди.

➡ 2

ФАҚАТ соғлом инсон ВА соғлом халқ МИСЛСИЗ ишларГА ҚoДИР

Жаҳон тиббиётига тамал тошини қўйган буюк бoбoмиз Аббў Али ибн Синонинг шундай сўзлари бор: "Агар жисмоний мaъшқ-қимoнғиз, дoри-дaрмонга эҳтиёж қoлмайди".

Ун аср илгари айtilган бу фикрнинг бугунги замонавий тиббиёт ҳам тасдиқлайди. Инсон соғлом турмуш тарзига амал қилса, бир аср, ҳатто ундан ҳам ортикроқ умр кўриши мумкин.

Муносабат

Президентимиз қайд этганидек, тинчлик ва соғлиқ — бу ҳар бир инсон, бутун аҳоли-миз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қoдирлигини ҳаммамиси яқин англаймиз.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамла-

зини тарғиб этиш, жисмоний фаоллик ва тиббий маданиятни ошириш, қисқача айтганда, халқимиз саломатлигини асрашининг самарали механизмини яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур тарихий Фармонинг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган чoрa-тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳакимов ўз фикрларини билдириди.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чoрa-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида

Мақtabгача ва умумтаълим муассасалари

бирламчи спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланади.

2021 — 2025 йиллар давомида **600 та** умумтаълим мактаби учун спорт зали қурилади.

Аҳолининг барча қатлами, айниқса, болалар ва ёшлар oрасида спорт тарбиоти кучайтирилади.

Тўрт бoсқичдан ibорат бўлган **маҳалла, туман (шаҳар), вилоят ва республика** миқёсидаги мусoбақaлар ўтказилади.

Туман (шаҳар)лар ва маҳалларда жисмоний тарбия-соғломлаштириш инфраструктураси шакллантирилади. Хусусан, **9146 та** маҳаллада **18 292 та** жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт майдончаси, **204** туман (шаҳар)да саломатлик ва велосипед йўлақлари бунёд этилади.



**ПРОФЕССОР
УБАЙДУЛЛА УВАТОВ**

Мамлакатимиз илм-фани оғир жудуликка учради.
Атоқли шарқшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов шу йил 3 ноябрь куни 80 ёшида вафот этди.



У. Уватов 1940 йил 23 февралда Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида туғилди. 1958 — 1969 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқшунослик факультетини араб филологияси мутахассислиги бўйича тугатиб, ўз меҳнат фаолиятини ушбу даргоҳда ўқитувчиликдан бошлади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти аспирантурасида тахсил олиб, дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Араб тили бўйича юқори малакали мутахассис сифатида Миср, Ироқ, Ливия мамлакатларида таржимон бўлиб ишлади.

Катта илмий салоҳият ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган У. Уватов мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг юқори бошқарув идораларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентини давонда бўлим мудири, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари, шунингдек, Амир Темури жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари каби масъул лавозимларда самарали фаолият кўрсатиб, миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш, илмий-маданий меросимиз намуналарини тўлаш, Урганиш ва тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшди.

Захматқаш олим Тошкент ислом университетининг Манбалар ҳазинаси бўлими мудири, Имом Бухорий халқаро маркази раҳбари ҳамда умрининг охирига қадар Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори лавозимларида фидокорона меҳнат қилди. Айни вақтда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг профессори вазифасида ишлаб, буюк алломаларимиз меросини чуқур тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларида фаоллик кўрсатди.

Машҳур олимнинг Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Муин Насафий, Амир Темури каби улғу сиймоларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишга бағишланган кўплаб мақолалари, китоб ва монографиялари, араб тилидаги ноёб манбалардан қилган таржималари юртимиз ва хорижий давлатлар илмий жамоатчилиги ўртасида яхши маълум бўлиб, улар мамлакатимизда шарқшунослик илмини ривожлантиришга беқўёқ ҳисса бўлиб қўшилди.

У. Уватов жамоат ишларида, юртимизда олиб борилаётган маданий, диний-маърифий тадбирлар, анжуман ва учрашувларда фаол иштирок этиб, халқимиз, айниқса, ёшларни қадимий тарихимизга ҳурмат, эҳдоқдорлик аъёнларига садоқат руҳида тарбиялаш йўлида сидқидилдан хизмат қилди.

Моҳир педагог, жонқуяр устознинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланди.

Профессор У. Уватовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони ҳамда «Меҳнат шухрати» ва «Фидокорона хизматлари учун» орденлари билан тақдирланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин ва сამимий инсон Убайдулла Уватовнинг хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, У. АЛИМОВ

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти тизимидаги «Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖнинг «Qumqo'rg'on Agroservis MTP 2017» МЧЖ устав жамғармасидаги улуши бўйича «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ такрорий очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

«Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖ кузатув кенгаши ййгилишининг 2020 йил 27 октябрдаги 01-сонли баёни ва «Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖнинг 2020 йил 2 ноябрдаги 1/1-186-сонли буюртманомасига асосан, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, «Богоро» МФИда жойлашган, «Qumqo'rg'on Agroservis MTP 2017» МЧЖнинг 100 фоиз улуши бошланғич қийматини босқичма-босқич 40 фоизгача пасайтириш механизмини қўллаб, улуш бошланғич қийматининг 10 фоиз пасайтирилган — 5 278 550 122,8 сўм қийматда 2020 йил 18 ноябрдаги танлов савдосига, таклифлар тушмаган ёки танлов ўтказилмаган тақдирда 20 фоиз пасайтирилган — 4 692 044 553,6 сўм қийматда 2020 йил 3 декабрдаги танлов савдосига, 30 фоиз пасайтирилган — 4 105 538 984,4 сўм қийматда 2020 йил 18 декабрдаги танлов савдосига, 40 фоиз пасайтирилган — 3 519 033 415,2 сўм қийматда 2021 йилнинг 7 январидан бўлиб ўтадиган очиқ танлов савдосига қўйилмоқда.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2020 йил 18 ноябрь куни соат 11.00 да Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида бошланади.

Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2020 йил 17 ноябрь соат 18.00 да тўхтатилади. Таклифлар тушмаган ёки танлов ўтказилмаган тақдирда такрорий танлов савдолари 2020 йил 3, 18 декабрь ва 2021 йил 7 январь кунлари соат 11.00да ўтказилади, такрорий савдоларга танлов таклифларини қабул қилиш бир иш куни олдин соат 18.00да тўхтатилади.

Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари қатнашишлари мумкин.

Балансда сақловчи: «Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖ.

Фаолият ихтисоси: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига механизация ва сервис хизмати кўрсатиш.

Танлов савдосининг асосий шартлари:
1. Танловда республика резидентлари (якка тартибдаги ва юридик шахс сифатида

фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) қатнашишлари мумкин.

2. Танлов савдоларида иштирок этувчи талабгорлар томонидан улуш бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пули куйроқда эълон қилинган ҳисоб рақамга туширилиши керак.

3. Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда.

4. Танлов иштирокчиси ўз бизнес режасида куйидагиларни ёритиши зарур:

— машина-трактор паркиннинг асосий фаолият (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини икки йил ичида ўзгартирмадсан, узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш;

— мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш;

— машина-трактор паркиннинг мавжуд ишлаб чиқариш потенциални модернизация қилиш, замонавий дастгоҳ (станок)лар ва ускуналар сотиб олиш ҳисобига сервис хизматлари

турини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, жами киритиладиган инвестиция бўйича таклиф;

— жамиятдаги бўш ер майдонлари, мавжуд бино ва иншоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар, қўшимча инвестиция киритиш юзасидан таклифлар, натижада барпо қилинадиган қўшимча иш ўринлари;

— улшунинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф қилиш;

— сотиб олиш қийматини энг қисқа муддатда тўлаш бўйича таклифлар;

— машина-трактор парки ишчи-хизматчиларининг ўш ҳақидан бўлган қарздорликни биринчи навбатда сўндириш бўйича таклифлар;

— иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг самарадорлиги;

— тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варағи талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб савдо голибига 10 банк иш куни муддатда жамиятнинг ягона иштирокчиси «Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖ ва «Ўзагросервис» АЖ билан уч томонлама олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар улуш бошланғич нархининг 5 (беш) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги олдиндан тўланадиган закат пулини (ариза буюртманомана топширилгунча қадар) савдо ташкилотчиси «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖнинг куйидаги банк реқвизитларига тўлашлари лозим: «Траст банк» ХАБ Термиз филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Танлов савдолари ва ҳужжатларни тўлдириш билан боғлиқ масала бўйича мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Барқамол авлод кўчаси, 19-уй. Телефон: 76-223-15-82. веб-сайт: www.rmm.uz, электрон почта манзили: user100@inbox.uz

Савдоларга марҳамат қилинг!

Гўвоҳнома: 972.

**REQUEST FOR EXPRESSION OF INTEREST
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
REGIONAL ROADS DEVELOPMENT PROJECT**

Credit No.: 5679-UZB
Assignment title: Consultant Services for Pre-Investment Study to Upgrade the Tashkent to Andijan Road to Expressway Standards Using an Appropriate PPP Model.

Reference No.: UZ-RRFCM-199290-CS-QCBCS
The Republican Road Fund (RRF) under Committee for Roads of the Ministry of Transport of the Republic of Uzbekistan has received financing from the International Development Association (IDA) toward the cost of the proposed Regional Roads Development Project, and intends to apply part of the proceeds for consulting services.

The consulting services (the Services) include upgrading the existing Tashkent to Andijan Road to expressway standards (the TAR Project) of 350 km and 4-lanes, including a new tunnel through the Kamchik Pass and other ancillary infrastructure. The TAR Project would form the eastern segment of a planned system of expressways linking Fergana Valley with the central and western regions of Uzbekistan. The TAR Project is divided into three main sections based on topography, land use and administrative jurisdictions.

Section 1: Tashkent — Angren (105 km): from Tashkent bypass to just east of Angren;

Section 2: Angren — Kokand (Kamchik Pass) (68 km): from just east of Angren through the Kamchik Pass (south of Khanabad); and

Section 3: Kokand — Andijan (167 km): from the south of Khanabad to the Andijan bypass.

The TAR is expected to play a catalytic role in improving transit connectivity and trade logistics with Uzbekistan's neighbors. The road forms part of the new 950 km international transit corridor Tashkent — Andijan — Osh — Irkeshtam, opened in 2018 by Uzbekistan, Kyrgyzstan and China. This corridor could become one of the most important trade routes between China and Central Asia, reducing freight transit time between Uzbekistan and China from 8 — 10 days to 2 days, and facilitating access to markets in South Asia, the Middle East and Europe, including Russia.

Objective of Assignment

Following the results of the Pre-FS, the Government of Uzbekistan (GoU), with the continued support of the WB, is seeking to engage a qualified Consultant to develop a Pre-Investment Study (Pre-IS) for the TAR Project. The Terms of Reference (ToRs) elaborate the scope of work of the Consultant. The Pre-IS will include a review of the technical, financial, economic, legal and regulatory, environmental and social, and procurement aspects of the TAR Project. The Pre-IS will include recommendations on the necessary actions to be taken by the GoU for the implementation of the TAR Project, including the elaboration of a tolling policy, definition of the alignment and right of way and related land acquisition requirements, market sounding, risk allocation between public and private sectors, public sector contributions and others.

The findings of the Pre-IS will allow the GoU to select the most optimal procurement schemes for the implementation of the TAR Project. The GoU may retain a separate Transaction Advisor to implement the selected procurement schemes, including bankable PPP structures which will ensure value for money for the GoU.

Proposed Tashkent to Andijan Road Upgrade to Expressway Standard — Key Elements

Project	Length (km)	Remarks
Tashkent to Andijan Road	350 km, approx	TAR currently has two lanes in each direction over most of its alignment and passes through urban areas; it has three distinct sections relative to terrain (flat plains to high mountains); land use (agricultural, industrial, pastures); and traffic. Existing TAR has been built to National standards. Current design speeds are 80 kmph. Possible construction of a new single road tunnel or a series of short tunnels/viaducts through the Kamchik Pass as part of the upgrade.

The implementation period of assignment is 14 months.
To obtain the Terms of Reference of the assignment please follow the link below or send your request to the following e-mail address: rrdproject14@gmail.com

https://drive.google.com/drive/folders/1mBWA4ioK-ZgvY69-CqJYv9Izv9bksaa?usp=sharing

The Project Implementation Unit (PIU) under the Republican Road Fund as the Implementing Agency now invites eligible consulting firms (Consultants) to express their interest in providing the Services. Interested Consultants should provide information demonstrating that they have the required qualifications and relevant experience to perform the Services. Expression of interest should cover, but not limited to: corporate profile, years in business, experience relevant to the project activities, key staff resources, and core business.

The attention of interested Consultants is drawn to paragraphs 1.9 and 1.11 of the World Bank's Guidelines: Selection and Employment of Consultants under IBRD Loans and IDA Credits & Grants by World Bank Borrowers, dated January 2011 and revised 2014 (Consultant Guidelines), setting forth the World Bank's policy on conflict of interest and eligibility.

Consultants may submit their REOI as an individual firm or in association in the form of a joint venture or sub-consultancy. All the members of the joint venture shall be jointly and severally liable for the entire assignment. However, the experience of sub-consultant will not be considered while short-listing.

The selection of consultant will be conducted using the procurement method set out in the Guidelines — Selection and Employment of Consultants under IBRD Loans and IDA Credits & Grants by World Bank Borrowers, dated January 2011 revised 2014, setting forth the World Bank's policy on conflict of interest and eligibility.

The shortlisting criteria are:

Significant experience of Consultant in PPP project development, including conducting feasibility studies of road/expressway projects, with tunnelling structures, with total construction costs of US\$ 200 million and above;

Transaction advisory experience of at least one successfully completed assignment, i.e., PPP project achieved commercial close, by the Consultant in road/highway projects with total construction costs of at least US\$ 100 million;

Relevant international experience in developing PPP bid documents or draft PPP agreements of at least two completed assignments by the Consultant;

Regional experience in undertaking feasibility studies and PPP transaction advisory in road/highway projects or in any other infrastructure PPP projects is preferred.

As part of the EOI, the consultant should include the following information:
Consulting Firm Information

Date:	Country of Incorporation:
Consultant Name:	Acronym:
EOI Submission Authorized by:	Position

Associations (Joint Venture or Sub-consultancy)

Consultant	Acronym	Country of Incorporation	Joint Venture (JV) or Sub-consultant	EOI Submission Authorized By	Position

Present the rationale for and benefits of working in association (JV or Sub-consultant) with others rather than undertaking the assignment independently (as appropriate). Describe the proposed management and coordination approach of the association and the role of each firm.

Technical competence
Project References — highlight the technical qualifications of your

entity/consortium in undertaking similar assignments. Provide details of past experiences working with similar project authorities

Management Competence

— Describe standard policies, procedures, and practices that your entity has to assure quality interaction with clients and outputs. Please state if your company is ISO certified.

— How your firm/consortium handles complaints concerning the performance of experts or quality of the reports submitted for previous and future assignments? What internal controls are in place to address and resolve complaints?

— How you ensure the quality of your firm's/consortium's performance over the life of assignments.

Projects references

Present relevant projects to demonstrate the firm's technical qualifications and geographical experience (maximum 10 projects).

#	Project	Period	Client	Country	Firm
1					
2					
3					
4					
...					

Summary for the Projects listed above

Project Title	
Country/Region	
Start Date	
Completion Date	
Continuous/Intermittent	
Client	
Funding Source	
Description	(indicate your role and input in man-months)

Eligibility

We, the undersigned, certify to the best of our knowledge and belief: — We have read the advertisement, including the terms of reference (TOR), for this assignment: (YES/NO);

— Neither the consulting firm nor its JV member or sub-consultant or any of its experts prepared the TOR for this activity: (YES/NO);

— We confirm that the project references submitted as part of this EOI accurately reflect the experience of the specified firm/consortium: (YES/NO);

— Ensuring assignment resulting from our work product under this assignment, our firm, JV member or sub-consultant, and the expert(s) will be disqualified from short-listing and participation in the assignment.

— The lead entity and JV member or sub-consultant are NOT currently sanctioned by other MDBs. Neither the consulting firm nor the JV member or sub-consultant has ever been convicted of an integrity-related offense or crime related to theft, corruption, fraud, collusion or coercion.

Further information can be obtained at the address below during office hours: from 9:00 to 18:00 hours Tashkent time.

The expressions of interests (in written in person, or by post mail, or by fax, or by e-mail) must be submitted before 15.00 on December 3, 2020 (Tashkent time) at the address below.

PIU of Regional Road Development Project under the Republican Roads Fund under the Committee for Roads of the Ministry of Transport of the Republic of Uzbekistan

Attention of: Mr. Ulugbek Ganiyev, PIU Director;
6 floor, 60A, Mustakillik Avenue, 68A,
Tashkent city, 100000, Republic of Uzbekistan,
Tel: (99871) 286-11-74, (99871) 286-11-84;
E-mail: rrdproject14@gmail.com

